

1868 йилнинг айна тут пишиги махали кекса Самарканд каттол душман кўланкасидан сесканиб тушди; аникроги, титраб кетди. Манфур ёғий аллакачон Зарафшон дарёсидан ўтган, Чўпонота ёнбагирларида чодир тиккан эди. Хамма катори сокингина рўзгузаронлик килиб келаётган ахли Самарканд дилига гулгула солган холда гармон чалишар, кийкириб раксга тушишарди. Илло, кўнгилхушлик килиш билан кон тўкиш истаги бир-бирига батамом зид, гайри-гайри тушунча бўлса хамки, бундай нохуш хол, таассуфки, рўй бериб бўлган эди.

Кочган хам худо дейди, кувган хам. Ўрислар гоҳ-гоҳида чўкиниб, Исо Масех алайхиссаломдан, Яратганнинг ўзидан хидоят, мадад сўрашар; минглаб чакирим масофаларни умид билан босиб келган, ўз иборалари билан айтганда: содик православларни бенасиб колдирмаслигини илтижо килиб сўрашар, бу серхосил замин, илик дарёлар, шовуллаган боғлар ўзлариники бўлишини кўмсашар; шаханшоҳ ва кумондонлари, ўт очар замбараклари, чапдаст киличбоз казаклари билан зохиран фахрланишарди, албатта. Шу билан бирга хар бир жангчида — талош килишга рухсат бериладими, йўкми, барибир, уйга курук кўл билан кайтмаслик, бирор нимарсалик бўлиб боришдек зохирий истак хам йўк эмасди. Мусулмонлар олтин такинчокларга, кимматбахо буюмларга ўч бўлишини кўпрок тилга олишиб, шу мавзуда эзмалик билан хазиллашининг боиси хам мазкур хирснинг намоён бўлишидан ўзга нарса эмасди.

Ўрис зиёлиларининг катта бир кисми эса, инчунин, бу ердаги командирлар мазкур урушни тарихий зарурат деб билишарди, бунга ўзгаларни хам ишонтирмокчи бўлишарди. Боиси: сартлар колок, оми одамлар — уларга кимдир маънавият, маърифат эшигини очиши керак; бу миссияни Худо биз — русларга раво кўрган, деган тушунчада эдилар. Шу билан бирга айрим нописандларда: сартларнинг хозирги тарика илмсиз бўлгани маъкул, деган мужмал менсимаслик хам йўк эмасди. Самарканд — денгизга чикишимиздаги бир кичик бекат бўлиб колади, деб ўйлашарди бундай тоифадагилар.

Хуллас, сабаб, мохиятини ўша замон одами хам, хозиргилар хам тушунавериши кийин бўлган фикрлар, муносабатлар, мақсадлар.

Йўк, ўрис фотихларининг шахар остонасига келиб колиши дафъатан рўй берган ёхуд кутилмаган тасодиф эмасди: Самарканд бозорларида олтин буюмлар, курол-аслаха, от-арава кимматлашиб, ховли-жой, рўзгор ашёлари, кийим-кечак арзонлашганига бир неча ойлар чамаси бўлганди. Буларнинг бариси эл-улуснинг анча нотинчлигидан далолат берарди.

Ўрислар йўл-йўлакай шахар-кишлоқларни хароб этиб келишаётганлиги, оламини дахшатга соладиган замбараклари билан калъалар, кадимий обидаларни хоки-туроб килиб, каршиларида чиккан кишини — у болами, аёлми, чолми — аёвсиз кириб, олга силжишаётганлигидан шахар ахли бохабар эди, албатта. Чунки, бу халк турли низо-ю урушлардан жуда-жуда зада бўлиб кетган эди.

Ёғий бостириб келаётган шахарнинг руhini тасаввур килиш кийин эмас. Ўпкаси тўлиб

турган кизга, болага ўхшайди у. Бундай махзун дамларда киндик конинг томган тупрок, ватан тушунчаси теранлашади; ёвга, энг аввало, унинг подшоси, кўмондонига ўлим тилашади; ор-номуси бўлган эркак кўлига қурол олади; шу билан бирга хотин-халаж, бола-чака такдирини хавотирона ўйлашади, уларни кутқариш ташвишида бўлишади.

Хўжаи Абду Дарун масжидининг мударриси, имом-хатиби Бехбудхўжа чандон хавотир тортди: душман Панжакент йўлини тўсиб қўйса, хотин-халажни Бахшитепага — кайнотасиникига кочириш нияти рўёбга чикмай коларди.

Анча тахликали пешин номозидан кейин у амри маъруф килмади, ўрнига Парвардигорга илтижо этди: «Ё Халлоки Карим! Рахм-шафкатингни дариг тутма! Афу эт, — биз инсонларни, хидоят эт. Золимларни кахр эт, мавх бўлсин зулм! Кофирлар дину диёнатимизни, азизу авлиёларимизни оёғости килмокчи. Ишончимизни комил эт, токи гайридинларни тупроқимизга оёк бостирмайлик! Душман оёғимиз остига йикилсин! Омин!»

Ногахонда Бехбудхўжа намозхонлар ва муллаваччалар нигоҳидаги мўминлик зохирий интиком билан алмашганини хис этди, бир неча дакикалик каловланишдан кейин уларни беихтиёр Чўпонотага даъват этди. Одамлар йўл-йўлакай ўрок, болта, пичок — хуллас, кўлига илинганини оливолдилар.

Самарканднинг тошфарч кўчалари хам, тупрок йўллари хам биз хозир «кочоклар» деб атайдиган муслиму муслималарга тўлиб кетган эди. Кўкон араваларининг такур-туқури, отларнинг безовта кишнаши, муйсафидларнинг нигоҳларидаги сергусса саросималик, боласини кўтариб олган аёлларнинг мунгли йиКлашлари жуда-жуда нохуш фалокат содир бўлаётганидан далолат берарди.

Булар, беихтиёр жанубий-гарбга караб интилишарди. Аникроги, тинчлик, деб аталадиган маънавий неъмат хувайдо бўлган жойларни; кимдир БоҚдод ё Балхни; тагин кимдир Шахрисабз ёхуд Термиздаги кариндошларини ёки шунчаки, инсон инсонга тиг кўтармайдиган тоғу тошлар кўйинини мўлжаллаб, йўлга отлангандилар. Чумоли инини сув босса, энг аввало болаларини тишида кўтариб кочганидек, булар хам зурриётни саклаб қолиш инстинкти билан йўл босардилар.

Хайр, алвидо Ватан!

Сени кайтиб кўроламизми, йўкми — Худо билади.

Аmmo шу билан бирга бир тоифа одамлар, гўёки шаркка отланганларга касдма-касд ўларок, тесқари томон шошилардилар. Булар, асосан, йигит ёшидаги суворийлар, муллаваччалар... Муштини тугиб олган бу одамларнинг нигоҳларида касос, интиком ўти ёнарди. Аслида булар хам тинчлик учун кўлга қурол олишганди. Юрт осойишта бўлиши, аёллар, болалар мусофирликдан кайтиб келиши учун душманни йўк қилиш талаб этиларди.

Чўпонотадаги кирларнинг ёнбагирлари одамга тўлиб кетган эди. Факат сарбозлар эмас,

турли тоифа ва ёшдаги кишилар, хатто аёллар ҳам бор эди бу ерда. Кимлардодир пилта милтик, килич, найза ҳам кўринарди.

Олдинги каторда Амир Музаффарнинг курулланган сарбозлари жангга шай эдилар. Тагин нарирокда эса шахар хокими ва козиқалонига карашли жангчилар тизилишганди. Бу азаматларни кўриб, оломоннинг дили жилла таскин топди.

Бехбудхўжа бир амаллаб тепаликка чикди-ю, кўзи камашиб кетди: дарёнинг икки соҳилидаги душман сон-саноксиз эди. Суворийлар, тўп ортилган аравалар, саф тортган отрядлар тартиб билан турарди; фармон кутишарди.

Даюслар! — дилидагиси тилига чикди унинг.

— Эй, Оллохи азим, — илтижо киларди бир муйсафид, — муте бандаларингдан лутфу-карамингни аяма! Тараххум айла! Эй, нажоткори олам, эй таборак ва таоло! Бизга музаффарият ато эт! Эй, азизу-авлиёлар, ўзингиз кўлланг!

— Шумо дар кужо, — зорланарди бир аёл, — эй соҳибкирони олам?... Ха, бундай тахликали лахзаларда Амир Темурнинг ҳам ёдга олиниши бежиз эмасди, Ахир Жаҳонгир севган шахарга, унинг пойтахтига хужум қилиш шаккоклик эмасми?! Амир Темур тириклигида шундай бўлармиди?! Хеч ҳам!

Ўз раиятининг осойишталигини саклаган, уларга тинчлик ато этган юрт эгаларига Худодан раҳматлар ёқилсин!

Дурбин билан бу ҳолатни синчков кузатаётган генерал фон Кауфман зоҳирий хавотир аралаш мамнунлигини яширмай, адъютанти — офитсер казакка юзланди.

Фома, кара, сартлар кўпайишяпти, — деди соф рус тилида.

Кузатаяпман, Константин Петрович; уюшмаган, таркокдек, — деди у казак лахжасида ва кўшиб кўйди: — замбараклар ҳам кўринмайди.

Гарчанд озрок ва эскирок бўлса-да, тўплар бор эди. Адъютант бу гапни душманнинг анча ожизлигидан мамнунлигини изхор этиш учун айтганди. Зеро, хўжасига канака гаплар ёқишини биларди у.

Генерал Кауфман бунгача Туркистон генерал-губернатори эди ва расмий жихатдан Бухоро амирлигига тобе бўлган бу шахарни бўйсиндиришдан олдин талайгина маълумот тўплаганди. Жумладан, шахар хокими Шерали Инок амирга бўйсинмай кўйганлиги, ораларида ихтилоф борлиги, козиқалон ҳам шу кайфиятда эканлигини биларди. Булар бари айни муддао эди, чунки душман хамиша калъанинг омонат жойларини излайди-да.

— Аъло хазратлари, командирлар дилтанг бўлишяпти, эхтимол, команда берилар, — сўради ўринбосарларидан бири.

Генерал жавоб бермади. Унинг назарида ракиб томондан ок байрок кўтариб, элчи келадигандай, шахарни жангсиз топширишга рози бўлишадигандай эди. Бундай тахмин асоссиз эмасди: унинг тасаввурича, рус империясига карши турадиган куч йўглигини хамда тузукрок курул-аслахага эга бўлмаган армия, ёхуд чўкич, ўрок кўтариб чиккан оломон тўпга ем бўлишдан ўзгасига ярамаслигини юрт эгалари идрок этишлари зарур, деб биларди. Ахир, хар кандай шароитда хам мантикни мададга чакириш керак-ку!

Шу билан бирга, генерал ўзини яхши тарбия кўрган киши, деб хисобларди ва магар, шахар каршиликсиз таслим бўлса, камрок кон тўкиларди, деган мужмал ниятда эди. Тагин: Инжилда ёзилган — «Сенга нафрат билан карайдиганни, хатто душманингни хам сев», деган фатводан хабардор эди; бу халкнинг хам урф-одатлари, диний эътикодлари, асрий обидаларини эътирофу эхтиром килишимиз зарур, деган унчалик катъий бўлмаган ботиний фикрдан узок эмасди.

— Аъло хазратлари, талашга рухсат берилар, — сўраб колди кимдир, — солдатлар анча йўлни босиб келишди...

— Йўк, — кескин жавоб берди Кауфман, — шаънимизга дог туширманглар! Кадрларингни гани тутинглар!

Эртаси хам ок байрок кўтарган элчидан дарак бўлмади, бильакс, жангчилар ва оломоннинг сони ва Казабгазаби ошиб борарди.

«Майли, ўзларидан кўришсин; мадомики, сулхга унашмас экан, рус замбаракларининг кудратини кўриб кўйишсин», надомат ила кўнглидан ўтказди у. Надомат чекканининг боиси тагин шундаки, унинг зохирий тактикасига кўра, бу шахар таслим бўлса, навбатда турган Кўкон хонлиги, Хоразм давлатидагилар хам ўйлаб кўришарди — Самаркандликлардан ибрат олишарди.

Хадемай, бир неча чакиримга чўзилган тўплар олдида харакатлар тезлашди; кўп ўтмай, сархадлар оша команда янгради:

— Огонь! Огонь! Огонь!

Замбараклар нилдан бирин-кетин, аввал оппок тутун чикар, сўнг карсиллаган овоз кулокни коматга келтирарди; ловуллаб ёнаётган ўқлар дуч келган жойни хоку туробга айлантларди.

Жавобан, аввал амир жангчилари тўп, милтиklarини ишга солдилар, сўнг шахар хокимига карашли кучлар душманни мўлжалга ола бошладилар.

Уруш бошланди!

Уруш! Инсоният бунёд бўлибдики, уни коралайди. Лекин барибир, одамлар бир-бирларининг конларини тўкаверадилар. Ўрислар — ўз иборалари билан айтганда: сартлар ёки мусулмонларни ўлдириш учун бир неча минг чакирим масофани отда ёки

пиёда босиб келганликлари боисини тушуниш, изохлаш мушкул.

Уруш! Нима у? Очкўзликми, табиий эҳтиёжми, тарихий заруратми? Эҳтимол, мохиятан, биз — баримиз тарих кўлидаги курулдирмиз ва унинг йўригидан чиқолмаганимиз учун жанг килармиз?!

Йўк, йўк, менимча, бу энг аввало, маърифат ва жаҳолатнинг тўқнашуви — аникроги, чап елкадаги юк (жаҳолат) вазнининг нисбатан ошиб кетиши оқибатидир.

Жаъми динлар одам ўлдиришни коралашади, аммо черковда чўкиниб олган насроний хам, масжидда саждага бош кўйган мусулмон хам кон тўкишдан ўзини тиёлмайди. Адолатсизлик устига — адолатсизлик: арзимас жиноятга кўл урган киши камокка тушади, аммо урушни бошлаб, минглаб кишиларнинг ўлимига, ногирон, ватангадо бўлишига сабабчи жиноятчи кўпинча тарихда қолади.

Ха, майли... Нима бўлса хамки, урушни ҳеч қачон яхши одамлар бошламаган!

Зум ўтмай қиличларини ўйнатиб, казаклар хам етиб келишди. Фронт қизигидан (таъбир жоиз бўлса) ўтган рус жангчиларининг бир қисми ўнг қанотдаги сарбозлар билан қиличбозликни бошлаб юборди, оломон устига от солганлари эса, ночор одамларнинг бошлари, қўлларини худди қолдирган қарамни қопиб олаётгандай қесиш ташлай бошлади. Атрофни отларнинг безовта қишнаши, ўк ва шамшир овозлари, ярадорларнинг фарёди қоплади; қанг ва тўзон аралашмаси нафасларни бўга бошлади. Оломон нима қилишини, қай қачон қочишини хам билмай қолди.

Бехбудхўжа беихтиёр орқага чекина туриб, узала тушиб ётган отни кўрди. Унинг ичак-човоғи чиқиб ётар, илтижоли инграрди. Ахир, Бехбудхўжа энг аввало, мударрис яъни муаллим эди: у фақат болаларнигина эмас жониворларни хам яхши кўрарди. Урушнинг бу илк қурбони ўрисларга тегишли эканлигини унинг гайриоддий эгаридан билди. Шу қисматни деб минг қақирим масофа босганлигидан нажомат чекди.

Буниси холва экан: сал нарироқда бехуш ётган кишини таниб қолди у — ўз хамқасби — қўшни масжидда ишлайдиган мударрис бўлиб, бағоят мўмин, ҳалол одам эди. Замбарак ўқими, ногаҳоний қиличми бир оёғини тиззасидан батамом узиб ташлаганди. Узилган оёқ нарироқда турар, ундан ҳамон кон сизарди. Бехбудхўжа ёрдам бериш илинжида ўша томонга интилган эди, аммо қўй подасига ўхшаб, бу дахшатдан қочаётган оломон уни анча нарига суриб қетди. Бояғи қанг, тўзон, тутун хидига кон хиди хам қўшилиб, нафаси қисилди ва ўзини бир чеккага оламан, деб инсон хуни қалқиб турган бир чуқурликда мурдалар айқалиб ётганини кўрди.

Қўп ўтмай, бу мудхишликларнинг бари уни қарахт бир ҳолатга туширди: энди Бехбудхўжа атрофдаги воқеаларни кўрар, эшитар аммо нима бўлаётганини обдон идрок этолмай қолганди. Зеро, кон қечган кишининг девонавор ҳолатини тасаввур қилиб кўриш унча жўн иш эмас. Назарида Азроилнинг нохуш нигоҳи унга бот-бот қадалаётгандай ва бу табиийдай, ахамиятсиздай эди. Негадир чекиниси хам қолмас, ҳаётнинг мазмуни пучга айлангандай эди. Қимдир «Таксир, қочинг!» деди (талабалардан бирортаси бўлса

керак). Халиги овоз унинг ўзи билан келган талаба ва намозхонларни ёдига солди: нима бўлди экан шўрликларга?

Бехбудхўжа боши оккан томонга кетавериб, Чўпонотага туташ бўлган Работигозиён кишлогига келиб колди. Бу ерда кўпгина уйлар ёнар, аммо ҳеч ким ўчирай, демасди. Одамлар кочардилар — уй-жойдан, молу-мулкдан ҳам зарур бўлган тинчлик томонга — шаркка шошардилар.

Уруш тақдири кечгача хал бўлди.

Амир Музаффар ўз лашкарлари билан Бухоро йўлини олди. «Самаркандликлар яхшиликларимни билишмади, ўйларди ўзича, энди жазоларини тортишсин, кадримга боришсин! Мен Бухорои шарифимни химоя киламан — душманни Зирабулоқдан нарига йўлатмайман!»

Кауфман кутган ташриф эртасига амалга ошди: шахар хокими ва козикалонидан элчи келди. Номада кон тўкишнинг хожати йўглиги баён этилиб, анча нисбий шартлар ҳам кўйилганди. Жумладан, Самаркандда азиз-авлиёлар кўплиги — шунинг учун шахарга киришда отдан тушиб, пиёда юриш кераклиги; шундай килинганда, бу юрт ахли рус халкининг буюк подшоси Александр хазрат олийларига ҳамда уларнинг ботир саркардаси Константин Петрович Кауфман жанобларига садокатли бўлиб қолиши узундан-узук, анчайин гализ, кўтара носамимий тарзда ёзилганди.

Генерал мийгида кулди. Таржимонга истехзо билан буюрди.

— Элчига тушунтир ва ёзиб бер — биз сулҳга розимиз! Аммо бизнинг ҳам шартларимиз бор: Хоким билан козикалон бизни рус таомилига кўра нон, туз билан пешвоз олиши керак. Чунки бу юртга яхши ният билан келганмиз. Подшоҳ хазратлари сартларга маърифат ва тинчлик ато этишга бел боғлаганлар. Мактаблар, касалхоналар очамиз, бу тупрокка бирорта душманни йўлатмаймиз ва хоказо.

Шундан кейин ҳам сиёсатнинг гирром ўйинига ишонмасангиз, ихтиёр — ўзингизда. Маърифат ва тинчлик каби буюк маънавий неъматлар номидан жиноят қилиш мунофиқлик, жаҳолатдан ўзга нарса эмас! Зеро, бу неъматлар замбаракларга ортиб келинмайди!

Хўжаи Хизир масжиди олдида душман нон ва туз билан пешвоз олинганига Бехбудхўжанинг ўзи гувоҳ бўлди.

— Мусулмонлар, каранглар, — мурожаат этди козикалон аввал туркий сўнг форсийда, — Кауфман (у шундай талаффуз килди) хазратларининг бир елкаларида Хўжаи Хизир, иккинчи елкаларида Кусам ибн Аббос рухи; демак, бу — Худонинг хохиши!

Биз сиёсатни гирромлик, деймиз. Агар дин ҳам сиёсатлашса, алдам-калдамга айланиб қолади. Шунинг учун кўпгина мамлакатларнинг конституцияларида дин сиёсатдан айри эканлиги алоҳида таъкидланади. Инсоният сиёсатлашган дин анархияга олиб келганига

бот-бот гувоҳ бўлган.

Аммо Бехбудхўжа батамом ўзига келолмагани учун бу гапларнинг мохиятига унча эътибор бераолмади, мушоҳада килолмади. Факат ўрисларнинг байрогидаги икки бошли бургут ва уларнинг беўхшов тилларини кўрди. Тилини ўйнатаётган икки бошли илонга ўхшаб кетди назарида. Унинг бир боши Хўжаи Хизир, иккинчиси эса Кусам ибн Аббос ётган Шохизиндага караб тургандай эди.

Кўп ўтмай Темурбек курдирган хашаматли арк дарвозасига ҳам байрок ўрнатилди. Бургутнинг бир боши хакикатдан ҳам Бўстонсаройга, иккинчиси Кўксаройга караб турарди.

Байрок дегани эса шунчаки ёгочга илинтирилган латта эмас — у — зафар ва тобелик, Курур ва ўксиклик ва яна алланималардан дарак берадиган рамз ҳам.

Эх, тахкирланган Ватан!

Эх, топталган кадрият!

Кайдасиз: Спитаменлар, Темур Маликлар, Сарбадорлар!!!

Ўрисларнинг мазкур зафту зафари хакида ўша давр зиёлилари ҳам, бугунги сиёсатчи-ю тарихчилар ҳам турфа фикр-мулоҳазаларни айтишади ва табиийки, бундай мувоҳасалар келажакда ҳам давом этади. Агар Амир Музаффар билан Шерали Инок бўлишганда ёхуд Бухоро амирлиги билан Кўкон, Хива хонликлари кучларини бирлаштирганда, ё душманга карши Сирдарё бўйларида жанг олиб борилганда, бу хол рўй бермасди, дейишади. Бир гуруҳ равшан фикрлар (ха, айнан улар) козикалон билан хоким ортикча кон тўкмаслик учун тўгри йўлни тутишди, деган фикрларидан кайтишмайди. Тагин бир гуруҳ зиёлилар: душманга карши сўнги дамгача курашиш зарур эканлигини таъкидлашдан чарчашмайди. Ким билсин, кичик баликлар хамиша катталарига ем бўлганидек, Россия ўз атрофидаги юртларни бирлаштириши тарихий зарурат эди, деган фикрлар ҳам йўк эмас.

Ўзи шундай бўлади: у ёки бу тарихий жараёнга, ижтимоий воқеликка баҳо беришда, кўп холларда, шахсий манфаатлар назарда тутилади. Аммо тарих ва тақдир дейиладиган барҳам бир кудрат борки, уни инкор этиб бўлмайди!

Яшириб нима килдик: бир замонлар бизнинг саркардаларимиз ҳам ўзга юртлар, шахарларни худди шу тарика мавх этишмаганми, беғуноҳ бандаларнинг конини тўкишмаганми, ўша юрт бойликларини ташиб келишмаганми, фотихлик килишмаганми?! Зеро, жамики килмишлар учун, хатто ногахоний шухрат, зафар учун ҳам у дунёдагина эмас, шу ернинг ўзидаёқ жавоб беришга тўгри келади. Отаси оламдан ўтса, ўгли унинг карзини тўлаши шарт килиб кўйилгани сингари ўтган авлодлар учун фарзандларнинг товон тўлагани шу эмасми?!

Боболаримиз инкор этган салтанатни бешафкат тарих ва тақдир инкор этгани, эхтимол шудир!

Буни тан олиш учун майда манфаатлардан андак устун бўлишимиз талаб этилади.

Агар инкорни инкор этиш қонуниятига таянадиган бўлсак, бу оламда бошланган ҳамма нарса: кун, тун, ой, йил, аср; тузум, салтанат, тугашига икром бўлсак, қачонлардир рус империяси ҳам барбод бўлишига ишонмоқимиз лозим эди.

Хўш, бунга ҳамма ҳаммаша ишониб яшадикми?!

Йўқ, аслида менинг ҳам хулосаларим нисбий. «Илдизига кара», дейди Арасту. Мен буни ўзгача талкин этардим: ҳар қандай ижтимоий воқеликнинг сабабигагина эмас, сабабининг сабабига қараш тақозо этилади. Бунга эса менинг қувваи хофизам қосирлик қилади. Чунки бу илдизлар жуда чуқурликда.

Душман мавх этган шахар ор-номуси топталган қизга ўхшайди, деб ёзгандик.

1868 йилнинг савр ойида Самарқанд шу қуйга тушди.

Асаларичилиқда: оилани қучайтириш, деган ибора бор. Бирор уяда подшоҳ нобуд бўлса, ношуд чикса, ёхуд кексайиб, раҳнамолик қуввати сусайса, асаларичи уни қучлироқ оила билан бирлаштиради. Аммо бу осон кечмайди. Асаларичи қатор тадбирларни қўришига қарамай, жанжал бошланади: икки томондан ҳам анча-мунча ари нобуд бўлади. Бундай пайтда ожиз оилада тирик қолганлар олдидан уч йўл бўлади: ўлиш, оиладан чиқиб кетиш ёки янги подшоҳга хизмат қилиш.

Самарқандликлар ҳам шу ҳолатда қолдилар. Қимдир қурбон бўлди, қелгиндиларга қараб, юзига табассум суртди, талай қишилар эса бошқа қуртларга бош олиб қетдилар. Бехбудхўжа тўртинчи йўлни танлади — узокроқ қишлоққа, аниқроғи, Бахшитепага бориб яшашни афзал билди. Бобоқалони Хўжа Аҳмад Яссавийнинг: «Ватанидан ажралган — ҳамма нарсасидан жудо бўлади», деган насиҳатини отасидан бир неча бор эшитганди.

Бехбудхўжанинг бу қарорини эшитиб, Хайдар девқор ҳам унга эргашадиган бўлди.

— Сиз билан бораман: дастурхонингиздан ушқок териб, тирикчилик қиламан, — деди у хокисорлик билан.

— Майли, — деди Бехбудхўжа — ёнимда бўлсанг, елқанга бош қўйиш мумкин.

Хайдар девқор деганимиз аслида шахарга туташ Бадал қишлоғидан. Унинг отаси масжиднинг намозхонларидан эди.

— Таксир, — деди у бир қуни намоздан олдин, — арзим бор: бизнинг авлоддан ҳам бирорта хат-саводли қиши чикса дегандим... Дадам болалигидан мударрисга олиб борган эдилар, аммо уруш бошланиб қетди: бесавод бўлиб қолдим. Шунинг учун ўғлимни олиб қелдим: гўшти — сизники, суяги — бизники. Аммо, лекин зехни жуда тез.

Миктигина бола қелиб, таъзим бажо қелтирди.



— Бунинг оти Хайдар девкор, — деди отаси.

Аммо у зехнли бўлиб чикмади. Болага ўтин ёриш, ер ағдаришни буюрсангиз, завк-шавк билан ишларди-ю, имло ўрганишга келганда... Хар холда, у завкли, одобли эди. Аммо тасодифни каранг-ки такдири отасиникига менгзаб кетди: саводи чикмай, уруш бошланди.

Бахшитепаликлар Дарёвот деб атайдиган бу кияликлар дарёга якин бўлса хамки, сувдан бенасиб эди. Бунинг устига кайроқкум мўллигидан кетмон уриб бўлмасди. Бехбудхўжа Хайдар девкор билан ана шу каровсиз заминда бог килишга киришдилар.

Вакт — буюк хакамгина эмас, доно хаким хам. Фурсат ўтиши билан бошка зиёлилар сингари Бехбудхўжанинг дилидаги яралар хам бирин кетин бита бошлади. Ўшанда, гарчанд Самаркандга кайтиб келмаслик — кофирлар юзини кўрмасликка ахд килган бўлса-да, бундай килолмади. Ёмини, Тошканди махалласидаги кавмлар, дўстлар дийдори тортди уни. Хар гал шахарга тушганда рўй бераётган ўзгаришлар билан хам кизикди у. Урушда кўплаб яхши одамларнинг нобуд бўлганлиги ёки ватанни тарк этганлиги, Амир Темур аркининг, аникроги Кўксарой билан Бўстонсаройнинг вайрон этилганлиги изтиробли дард эди. Аммо дилафрўз муждалар хам йўк эмасди. Самаркандда тузем мактаблари очиб, жумладан мусулмон болаларини хам ўқитишаётганлиги, уларга жахоний фанлардан хам сабоқ берилаётганлиги кувончли эди. Шунингдек, шифохоналар, кутубхоналар очишаётганлиги, шахарга забардаст олимлар, муаллимлар келишаётганлиги хар кандай равшан фикрли кишини мамнун этарди.

Тўгри, уларнинг янги шахарда фохишахона очишгани хакида хам гап-сўз юрарди. Аммо начора...

Бехбудхўжа богда колиб кетмади — Дарёвотдаги юмушларни Хайдар девкорга юклаб, Дорами масжидида мударрис бўлди. Болакайларга аввалгидек «Хафтияк», «Чоркитоб», «Куръони Карим»дан сабоқ беришга киришди.

Ўрислар боскинидан нак етти йил ўтиб, Дарёвотдаги нихоллар хосилга кирган йили Худо Бехбудхўжага ўгил берди.

Унга Махмудхўжа деб ном бердилар.

Бола ашраф, диловар эди! Тийран кўзларида закийлик нури мунаввар эди унинг. Чакалокнинг кулогига азон айтган ота, яратганга шундай илтижо килди.

«Эй Тангри таоло! Сен магфиратингни дариг тутмайдиган мехрибонимизсан! Афу эт бизни, хидоят эт! Ер юзида сулх ва силохи умуми ато айла! Бу гўдакни бобокалонимиз хазрат Ахмад Яссавий рухлари бир умр кўлласин! Уни ногахоний тухматлардан асра! Ўғлимиз улгайиб, хак сўз билан одамларни маърифат ва нажот йўлига чорлайдиган аллома бўлсин!»

Ёз кунларидан бирида Хайдар девкор болани отга миндирди. От кимирламай, жим

турди. «Демак, бола кобил-мўмин бўлади», деди отаси. Кўп ўтмай, саман бир депсиниб олди-ю, олдинги оёғи билан бир маромда чизик торта бошлади. Бу хол анча давом этгандан кейин Хайдар девкор кувончини яширолмади.

— Махмудхўжа сохиби калам бўладиганга ўхшаябдилар.

Бехбудхўжа ички бир коникиш билан бош силкиди.

Бу орада талай сувлар окиб ўтди, анча-мунча гаплар бўлди. Аммо бу гапларнинг воқеалар ривожига, аниқроғи, асаримизга алоқаси бўлмагани сабаб эътибордан соқит қилиб, қахрамонимиз Махмудхўжа ибн Бехбудхўжанинг мўйлови эндигина сабза урган кезларда тоҚаси, нуфузли кози Муҳаммад Сиддик билан отаси Бехбудхўжа ораларида бўлиб ўтган гапдан воқиф этамиз сизни.

— Муллапочча, — деди кози истихола, эхтиром ила, — Махмудхонни ихтиёримга берсангиз — мирзо қилиб олур эдим. Бир мирзомиз бор эди, саводи тўмтоқ бўлгани устига андак таъмагир чиқиб қолди. Биласиз: бунақаси менга тўғри қелмайди.

Ота тамкинлик ила сукут сақлади.

— Мирзоликни удда қилурми? Ёш...

— Ақл ёшдаму? Куръони Қаримни тушурди; туркий, форсий, арабийни шаррос билур, ўрисчага ҳам фаҳми етур. Зехни зақовати қозилиқни ҳам олиб қетадургон. Ахир, ўрнимга жонишин ҳам тайёрламоғим қерак-қу!

— Дуруст, аммо орзу этиб эдимки, ўғлим мударрис бўлса, ахлимуслимга илму-урфон ўргатса, маърифат, адолатдан дарс берса...

— Зарур қелганда мударрислик ҳам қилур — имқон яратурман. Зеро қозихона ҳам маърифат, адолат уйдир, — деди тоға иштибоҳ билан.

Шундай қилиб, ёш Махмудхўжа ўз фаолиятини қозихонада мирзолик қилишдан бошлаб юборди.

Ота қуръон тиловат қилиб, дуолар ила ўғлининг ишига қушойишлар тилади.

Нусрат РАХМАТ